Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

2024-yil 29-noyabr, juma

№ 48 (24968)

Farg'ona haqiqati

ljtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/ t.me/farhaqiqati

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА



Шу кунларда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги делегация Корея Республикасида бўлиб турибди. Амалий ташриф давомида ҳудудлараро инвестициявий, савдо-иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида мустаҳкам ишончли ва стратегик ҳамкорлик мавжуд. Ҳозирги кунда вилоятимизда кореяликлар сармояси иштирокида 48 та корхона фаолият олиб бормоқда. Биргина ўтган йилда 73,3 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Корея Республикасининг Кёнгидо провинцияси Кимпо шаҳрида бўлган вилоятимиз делегацияси шаҳар мэри Ким Бён Су бошчилигидаги расмийлар билан музокаралар олиб борди. Унда икки ҳудуд ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давоми 3-бетда



Кишда қулупнай?

“Ўзбекистоннинг сахий қуёши бор” деб, узоқ йиллар давомида томорқачиликнинг ажиб бир усулидан фойдаланмай келдик. Бу иссиқхоналардир. Мана энди унинг даромадини билганлар минглаб, ўн минглаб иссиқхоналар қурдилар. Бу ишлар давом этмоқда. Келинг, 30, 40, ҳатто 50 гектарга тикланган иссиқхоналарни қўя турайлик, ҳозир қайси маҳаллага борманг, одамлар кафтдек жойга ҳам плёнка тортиб, гулдан то лимонгача, банандан қулупнайгача етиштиришмоқда.

Давоми 4-бетда

“COCA-COLA”НИНГ ДАНҒАРАЛИК ҲАМКОРИ

Дунёнинг энг машҳур компанияларидан бири “Coca-Cola” ўзи қадоқлаган маҳсулотларини Янги йил арафасида негадир пайпоқларга солиб совға сифатида тарқатади. Хўш, бу пайпоқлар қаерда ишлаб чиқарилишини биласизми? Улар Данғара туманидаги “Vodiy expo” МЧЖда ишлаб чиқарилади. Шундай қилиб, машҳур “Coca-Cola” сифатини тан олган пайпоқлар данғаралик тикувчилар қўлидан чиқмоқда.



Давоми 3-бетда

НЕТАНЬЯХУ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИБСГА ОЛИНАДИМИ?



Гаагадаги Халқаро жиноий суд Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху ва собиқ мудофаа вазири Йоав Голантни ҳибсга олиш ҳақида қарор қабул қилди.

Давоми 3-бетда

BMB HOLDING – МАМЛАКАТИМИЗДА “ҚИЗИЛ ОЛТИН” ЕТИШТИРУВЧИ КОМПАНИЯ

Ўзбекистонни олтинлар мамлакати деб аташмоқда. Бу, аввалambor, дунёда энг сифатли – 99,99 фоизли олтин маъдани учун бўлса, кейин толаси бақувват ўзбек пахтасига “оқ олтин” деб ном бердилар. Янги Ўзбекистонда яна бир олтин яратилди. У курраи заминдаги деярли барча қитъаларни забт этаётган “қизил олтин” – Ўзбекистон заъфаронидир.

Атиги 4 йилда ақлбовар қилмас ишлар рўй берди. BMB HOLDING компанияси Жиззах вилоятининг Бахмал тумани тоғ олди майдонларида 700 гектарли заъфарон плантацияларини ташкил этди.

Заъфарон – сафсаргулдошларга мансуб кўп йиллик ўтсимон туганак пиёзли ўсимлик. Ёввойи ҳолда учрамайди. Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Жанубий Европа, Озарбайжонда катта майдонларда экилади.

– Заъфарон инсон қонидаги қанд миқдорини меъёрлаштиради. Қолаверса, қон босими ошишига йўл қўймайди ва мувозанат ҳолатда ушлаб туришга хизмат қилади, – дейди BMB Impex директори ўринбосари Миркамол Мирҳабибов. – У қонни суюлтира олиш хусусиятига эга. Организм заъфарон истеъмол қилгач, ўзида уч босқичли ўзгаришларни сеза бошлайди. Биринчиси, организм тозаланади, иккинчиси, шикастланган ҳужайралар тикланади ва учинчиси – қувватланади, яъни ўзининг қувватини тиклайди.



Аммо... заъфарон дунёдаги энг инжиқ, эътиборталаб ўсимликдир. Унга доимий мўътадил, салқин ҳаво, бир меъёрдаги намлик, кунбай ишлов керак.

Заъфарон – йилига бир марта 10-15 кун оммавий гуллайдиган, ҳар бир гул очилишининг давомийлиги фақат 2-3 кун бўлган қирмизи “крокус” (лотинча номи) – оналик гули тумшуқларининг қуритилганидир.

Ўсимлик гуллари ва хусусан, оналик гулларини қайта ишлаш фақат қўл меҳнати билан амалга оширилади. Оналик гуллари тумшуғи фақат гулларнинг биринчи очилган куни қирқиб олиниши лозим. Унинг сифати терим ва уни қуритишнинг тезлиги билан боғлиқдир. Бир килограмм заъфарон йиғиш учун тонгда, қуёш ҳали оналик гулларини қуритиб улгурмасидан, 150 минг дона атрофидаги гули териб олиниши лозим. Бир гектар ер майдонидан теримчиларнинг маҳорати ва об-ҳавонинг муносиб шароитига қараб, 8-12 килограмм заъфарон йиғиб олиш мумкин.

BMB HOLDING "ноу-хао" сифатида польшалик мутахассислар билан ҳамкорликда AgroNanoGel гидрогель маҳсулотини қўллай бошлади. Гидрогель ўсимликлар учун сув захираси ҳисобланади. Унинг қўлланиши бутун вегетация даврида ўсимликлар учун оптимал сув шароитларини таъминлайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалигида гидрогелнинг қўлланиши 40-45 фоизгача сувни тежаш имкониятини беради.

BMB HOLDING заъфарон ўстиришнинг барча қийинчиликларини сабр ва илм билан енга олди. Ва ниҳоят, Ўзбекистон дунёдаги заъфарон – “қизил олтин” етиштирувчи кам сонли давлатлар қаторидан жой олди.

– Илгари фақат хомашё сифатида заъфарон маҳсулоти етиштирилаётган, қадоқланаётган ва сотилаётган бўлса, ҳозирги кунда заъфаронни чуқур қайта ишлаб, ундан янада янги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Улардан, заъфарон қўшилган қора ва кўк чой, табиий асал ҳамда ош тузини айтиш мумкин. Яқин кунларда заъфаронли ун ҳам ишлаб чиқариш режалаштирилган, – дейди Миркамол Мирҳабибов.

– Мен муҳтарам Президентимизга алоҳида раҳмат айтмоқчиман. Чунки, бу лойиҳанинг бош ташаббускори, ҳам асосий қўллаб-қувватловчиси ҳам давлатимиз раҳбаридир, – дейди BMB HOLDING Кузатув кенгаши раиси Бекзоджон Муродқулов. – Салкам уч йиллик изланишлар, ўрганишлардан сўнг ўтган йили Америка Қўшма Штатларига экспорт қилиш ҳуқуқини қўлга киритгандик. Бу йил эса USDA ORGANIC сертификатини олдик. Бу жаҳон бозорида жуда катта эътиборга эга бўлган сертификат ҳисобланади. Заъфаронга олинган мазкур сертификат Ўзбекистондаги озиқ-овқатлар учун олинган биринчи расмий рухсатномадир.

– Бу ҳамкорликдаги лойиҳа ва ҳали бизнинг йўлимиз узоқ, – дейди Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Агостино Пинна. – Ўзбекистон заъфарончининг Европа бозорида қатъий ўрин эгаллаши Президент Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаётгани туфайли рўй берди, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Президенти Жиззах вилоятига ташрифи чоғида заъфарон плантацияларини 2 минг гектарга етказиш топшириғини берди. Жумладан, энди Ғаллаорол ва Зомин туманларида ҳам заъфарон плантациялари бунёд этилади.

Ўзбек заъфарони дунёнинг энг тоза экологик маҳсулотларидан бири деб топилди. Бу эса дунё бозорига очилган эшик эди.



ШИФОБАХШ ЗАЪФАРОННИ ҚАЕРДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН?

BMB Za’faron саломатлик маркази – call-markaz. Телефон: +99855 516-22-99.


BMB Za’faron Sello Market – https://sello.uz/sellers/ooo-bmb-impex

Uzum Market – https://uzum.uz/ru/httpsbmbtguzzafaron

Хизматлар лицензияланган.
Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.







«ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИ»

НОМЛИ КИТОБ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ, ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ УЧУН ДАРСЛИК СИФАТИДА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

“Яшил” иқтисодиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг янги концепцияси асосчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида сўзлаган нутқида 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилди.

Мамлакатимизда “Яшил макон” умумхалқ ҳаракати авж олган бир пайтда Х.Х. Бозаров, Қ.А. Шарипов, Ў.Р. Саломов, Ю.Т. Додобоев, Б.С. Хамидов муаллифлигида “Яшил” иқтисодиёт асослари” деб номланган китобнинг нашр этилиши долзарб воқелик бўлиб, ҳеч бир китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Фарғона политехника институтининг илмий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан олий таълим



муассасалари учун дарслик сифатида тавсия этилган мазкур китобнинг аҳамияти нимада?

Биринчидан, **замон талаби шуни кўрсатмоқдаки, олий маълумотли кадрлар – бўлажак мутахассислар, бакалавр ва магистрлар, илмий ходимлари "яшил" иқтисодиёт асослари моҳиятини чуқур билишлари зарур.**

Иккинчидан, мазкур қўлланма муаллифлари кенг китобхонлар оммаси учун нотаниш бўлган, мамлакатимиз ва чет элларда тўпланган тажрибани тўлиқ ўрганиб чиқиб, улардан кенг фойдаланганлар.

Учинчидан, **китоб нафақат олий таълим тизимидаги талаба ва илмий ходимлар, балки "яшил" иқтисодиёт асослари муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига ҳам мўлжалланган.**

Тўртинчидан, **дарсликда мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ ҳаракатига айланган "яшил" энергетикани ривожлантиришнинг долзарб муаммолари таҳлил қилинади ва зарур хулосалар чиқарилади.**

Бешинчидан, **мамлакат иқтисодиётининг “яшил” энергетикага ўтишини таъминлашда “яшил” энергетика иқтисодиёти, уни ташкиллаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш масалалари фанда ўлақонли ўрганилмаган. Китобда Ўзбекистон энергетика саноати, жумладан, "яшил" энергетикани ривожлантиришнинг бугунги кундаги ҳолати таҳлил қилинган.** Илмий асосланган таклифлар илгари сурилган. Шунингдек, фанда кам ёритилган “Яшил” энергетика тармоғи иқтисодиёти, баланси, киритилган капитал сармоялар самарадорлиги, айланма воситалари, инвестиция лойиҳаларидан унумли фойдаланиш услублари баён этилган.

“Ўзбекистон Республикаси энергетика соҳаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш”, “Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси”, “Энергия ресурслари истеъмолини диверсификациялаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш”, “Иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тиббий экотизимларни асраш”, “Яшил” иқтисодиётни қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий механизмларини ишлаб чиқиш” сингари 10 та бобда "яшил" энергетикага ўтишдан тортиб, Марказий Осиёда минтақавий энергетика бозорини яратишнинг долзарб масалаларигача қамраб олинган.

Бугун дунёда иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар тобора кўпаймоқда. Унинг оқибатини юз бераётган кескин ўзгаришлар орқали кўряпмиз, ҳис этяпмиз. Иқлим ўзгариши биргина минтақа ёки халққа тегишли эмас, бутун дунёни қамраб олиб, глобал муаммога айланган. Унинг таъсири, юзага келтираётган хавф-хатарлари кўлами ҳам улкан. Иқлим ўзгариши, айниқса, одамлар саломатлиги учун энг катта хавфдир. Экологик муаммолар туфайли йилига 13 миллион нафар одам ҳаётдан кўз юммоқда. Китобда Марказий Осиё минтақасида, юртимизда иқлим ўзгаришига қарши амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида батафсил сўз юритилади.

Бу салбий таъсир оқибатларини юмшатиш, экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш, яшил майдонларни кенгайтириш борасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг амалга оширилаётгани муҳим ва зарур қадам эканлиги таъкидланади. Фазо ва материяга вақтнинг алоқаси йўқ, деб ёзади муаллифлар, яъни бутун дунё учун келажак ҳам аслида, бугуннинг манзарасидан бошланиб бўлди. Табиатни асраш, дарахт экиш, сувни тежаш энди биргина эзгу ва савоб иш, анъана ва қадриятгина эмас, у инсониятнинг келажагини, ҳатто бугунини асраб қолишнинг муҳим шартига айланган.

Ўзбекистонда илғор халқаро тажрибалар қўлланган ҳолда, ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш ва энергетика тармоғининг янада ривожланишини таъминлаш мақсадида изчил, кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Юртимизда электр энергиясига бўлган талабнинг 84,7 фоизи иссиқлик электр станциялари, 14,3 фоизи гидроэлектр станциялар ва 1 фоизи блокстанциялар ҳиссасига тўғри келади.

2023 йил Ўзбекистон энергетика соҳасида ўзига хос йил бўлди. Чунки ўтган йилда Президентимиз ташаббуси билан 5 та қуёш ва 1 та шамол электр станциялари ишга туширилиб, электр тармоқларига уланди. Ишга туширилган электр станцияларининг Бирлашган Араб Амирликлари ва Хитой Халқ Республикасининг халқаро тажрибага эга компаниялари томонидан амалга оширилиши юртимиз аҳолисини, ижтимоий объектлар ва иқтисодиёт тармоқларини 2,4 ГВт.лик “яшил” энергия билан таъминлашга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари ушбу станцияларни ишга тушириш ва тармоққа улашга бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида келгуси режаларга тўхталар экан, “Биз бугун амалга ошираётган улкан ишлар энергетика тармоғидаги ислоҳотларнинг навбатдаги қадамидир. Бу чора- тадбирларни тизимли давом эттириб, рақобатли бозор механизмларига босқичма-босқич ўтамиз. Умуман, 2030 йилгача “яшил” энергетика манбаларини 27 ГВт. га етказиш режалаштирилган. Бу ҳар йили 25 млрд. метр куб табиий газни иқтисод қилиш, атмосферага зарарли ташланмаларни 34 миллион тоннага қисқартиришга хизмат қилади” деб таъкидлаган эди.



Ушбу лойиҳалар нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам тарихий резонанс бериб, кейинги ривожланиш босқичларига замин яратади. Чунки, бундай саъй-ҳаракатлар ер ости захираларни тежашда, экология, атроф-муҳитни асрашда, чекка ҳудудларни электр энергия билан таъминлаш орқали қўшимча иш ўринлари яратишда, энергия нархини барқарорлаштиришда, хавфсиз энергия манбаига ўтишда жуда қўл келади.

Китобда узоқ муддатли истиқболда “яшил” иқтисодиётга ўтиш учун қандай тамойилларга асосланиш кераклиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Жумладан, барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларга мувофиқлик, ресурслардан оқилона фойдаланиш, барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш, иқтисодий ҳисоб тизимига экологик ва ижтимоий мезонларни киритиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришиш учун “яшил” воситалар ва ёндашувларни қўллаш устуворлиги, энг муҳим тармоқларда рақобатбардошликни ошириш ва “яшил” иш ўринлари яратиш, ресурслардан самарали фойдаланиш тадбирларининг жозибадорлигини таъминлаш лозим.

Асримиз ўрталарига бориб, дунёда кузатилиши мумкин бўлган қурғоқчиликка доир прогнозлар асосида сунъий интеллект томонидан ишланган суратга таяниб, таҳлилчилар 2050 йилларда сув жаҳондаги энг қимматли табиий неъматлардан бирига айланишини тахмин қилишмоқда. БМТнинг Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш ташкилоти эълон қилган баёнотда яқин чорак аср ичида қурғоқчилик дунё аҳолисининг тўртдан уч қисмидан кўпроғига таъсир қилиши мумкинлигини маълум қилди. Бундай далил ва таҳлиллар китобда кенг ўрин олган, шуниси муҳимки, бизнинг шароитимизда қурғоқчиликнинг олдини олиш чоралари ҳам батафсил айтиб ўтилган.

Мамлакатимизда “яшил” энергетика бўйича ниҳоятда улкан салоҳият мавжуд. Яратганнинг ўзи берган бу буюк имкониятдан унумли фойдаланиб, уни халқимиз манфаатларига йўналтиришимиз зарур.

Соҳани рағбатлантириш мақсадида қуёш панеллари ўрнатишга имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш, ишлаб чиқилган электр энергиясини кафолатли сотиб олиш бўйича “Қуёшли хонадон” тизимини йўлга қўйдик. Шу йилнинг ўзида юртимизда 50 минг хонадон ва тадбиркорлар томонидан қуёш панеллари ўрнатилди. Китоб муаллифлари мамлакатимизда 7 миллиондан ортиқ уй-жойлар борлигини ҳисобга олиб, бу инвесторлар учун катта бозор яратишини алоҳида қайд этишган.

Дунё бўйича табиий ресурслар тақчиллиги кузатилаётган бугунги даврда янгича ёндашув, инновацион лойиҳалар иқтисодиётнинг муҳим драйверига айланмоқда. Корея Республикаси, Сингапур, Япония каби давлатлар мисолида кўриш мумкинки, дейилади дарсликда, инновация ва ихтиролар табиий ресурси чекланган ёхуд умуман мавжуд бўлмаган давлатларда ҳам йиллар давомида даромад келтирадиган, қиймати камаймайдиган манба саналади. Ҳар қандай стартап ғояси янгиликка, янги маҳсулот, янги технологиялар ва илгари амалиётга татбиқ этилмаган фаолиятга асосланади. Ўзгаришларга тез мослашадиган, илғор технологияларга асосланган ишбилармонлик муҳитида ривожланадиган стартап экотизимининг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти катта.



Шунингдек, китобда “яшил” иқтисодиётга ўтиш даврида катта таъсир кучига эга бўлган аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш механизмлари ҳақида ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилган. Жумладан, ёшларнинг инновацион стартапларини рағбатлантириш, ишчи кучида аёллар иштирокини қўллаб-қувватлаш, инклюзив ва барқарор инсон капиталини ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг заиф қатламлари учун гендер жиҳатдан таъсирчан ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, иқлим ўзгариши таъсири ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш масалалари айтиб ўтилган.

Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш,”яшил” иқтисодиётга ўтиш учун қулай сиёсий муҳит яратиш, самарали институтларни, инновацияларни жорий этиш ва самарали “яшил” инвестицияларни жалб қилиш, ташқи ва ички “яшил” молиялаштириш оқимларини кўпайтириш, энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини оширишнинг асосий ташкилий чора-тадбирлари, энергия ишлаб чиқарувчи қувватларни модернизация қилиш каби масалалар ҳам қамраб олинган.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари, қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш энг устувор вазифага айланиб бормоқда. Сўнгги тўрт йилда соҳани ривожлантиришга қаратилган ўндан ортиқ қарор, улар асосида берилаётган имтиёзлар, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Савол туғилади: нега бу йўналишга шунчалик катта эътибор бериляпти? Негаки, бу масала “Инсон қадри учун” тамойили асосида ҳар бир фуқаронинг яхши яшашига шароит яратиш ва табиий газ таъминоти билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистонда бу мақсадлар учун бир йилда 10 миллиард АҚШ долларилик электр қуввати ва газ йўналтирилмоқда. Агар унинг 10 фоизи иқтисод қилинса, бошқа эҳтиёжларга сарфлаш имконияти юзага келади. Давлатимиз раҳбари ушбу масала умуммиллий аҳамиятга эгалигини эътироф этиб, муқобил энергия ускунасини ўрнатган аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилганини таъкидлаган. Ушбу дарсликда бу борадаги тўпланган тажрибалар Самарқанд, Фарғона, Навоий, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари мисолида айтиб ўтилган.

Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларининг мураккаб илмий асос талаб этиши ва қимматлигига қарамай, ушбу энергия турларини ривожлантиришга жиддий киришилди. 2016 йилнинг апрель ойида мамлакатимизда МДҲ ҳудудидаги биринчи энг йирик деб эълон қилинган қуёш электр станцияси ишга туширилган.

Охирги уч йилда “яшил” энергия, “муқобил” энергия деб таърифланувчи фотоэлектрстанциялари ҳамда шамол генераторларини қуриш бўйича хабар-янгиликларни тез-тез эшитиб турибмиз. Ҳукумат қарорларига асосан, Энергетика вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган қайта тикланувчи энергия манбалари салмоғини 2030 йилгача 25-30 фоизга ошириш стратегик режасидан ҳам хабардормиз.

Китобнинг “Марказий Осиёда минтақавий энергетика бозорини яратишнинг долзарб масалалари” деб номланган ўнинчи бобида ёзилишича, Президентимиз Хитойнинг етакчи компаниялари билан биргаликда ва бошқа хорижий ҳамкорларни жалб этган ҳолда, “яшил” технологияларни кенг жорий қилиш асосида саноат соҳасида ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурларни амалга ошириш учун Оролбўйи минтақасида Махсус намунали технологик парк ташкил этилишини билдирди. Бу Орол фожиасини юмшатишда муҳим роль ўйнайди. “Бир макон – бир йўл” дастурининг “яшил” инвестициялар тамойиллари” борасидаги ташаббуси биз учун ҳам фойдалидир.

“Яшил" иқтисодиёт асослари” дарслик китоби муаллифлари кенг қамровли, глобал муаммоларни, Ўзбекистон энергетика тизимининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиб, шу асосда "яшил" энергетика йўналишини янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган хулосаларни содда ва равон тилда баён этган.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА

1-бет

Учрашувда Кимпо ва Фарғона шаҳри ўртасида биродарлашган шаҳарлар сифатида ҳамкорликни бошлаш, давлат хизматчиларининг ўзаро малака ва тажриба алмашинувини йўлга қўйишга келишилди.

Фарғона вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги вилоят делегацияси таълим технологиялари, соғлиқни сақлаш ва электр транспорти воситаларини зарядлаш қурилмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган АНА Co., Ltd компаниясида бўлиб, қатор учрашувлар ўтказди.

Компания раҳбари Ку Ги До ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича маълумотлар берди. Ўзбекистонда ҳам ҳамкорликда бизнес юритиш истаги борлигини билдирди. Ўз навбатида, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғонада лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиб берилишини айтиб ўтди.

Делегация аъзолари компания томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишдилар. Учрашув якунида AHA Co., Ltd компанияси билан вилоятимизда мактаблар учун смарт доскалар ҳамда электромобиллар учун зарядловчи станция қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Корея атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Судо-квон полигонларни бошқариш корпорацияси чиқиндиларни қайта ишлашда катта тажрибага эга. Мазкур полигонда бўлган фарғоналиклар корпорация фаолиятини кўздан кечирдилар.

Дунёдаги энг катта полигон Сеул, Инчеон ва Кёонгги-дони ўз ичига олган учта метрополитен ҳудудидан чиқарилган чиқиндиларни қайта ишлаш учун яратилган. Корхонанинг йиллик айланма маблағи 138 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Учрашувда корпорациянинг фаолияти тақдимот қилинди.

Чхунчхоннам-до провинциясида жойлашган “WooDeumGeeFarm Co” Ltd Кореянинг йирик қишлоқ хўжалиги корпорацияси бўлиб, асосан ақлли фермалар асосида помидор етиштириш ва тарқатиш билан шуғулланади. Вилоятимиз делегацияси мазкур корпорацияда бўлиб, унинг фаолияти билан танишди.

Чхунчхоннам-до провинцияси губернатори Ким Таэ Хэум вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги делегацияни расмий қабул қилди.

Қабул чоғида томонлар Ўзбекистон – Корея муносбатларининг янги даврида икки ҳудуднинг ҳамкорлиги янада фаоллашаётгани, бунда делегацияларнинг ўзаро ташрифлари муҳим ўрин тутаётганлигини қайд этдилар.

Фарғона вилояти делегациясининг Корея Республикасидаги амалий ташрифи давом этмоқда.

(Вилоят Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди).

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни мамлакатимиз тарихидаги улкан аҳамиятга эга бўлган сана ҳисобланади. Бу қомус нафақат давлатнинг пойдеворини белгилаб берди, балки халқимиз ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда муҳим роль ўйнади.

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ

Дарҳақиқат, Конституция мустақил Ўзбекистоннинг биринчи асосий қонунидир. Ушбу ҳужжат давлатнинг асосий тамойиллари, сиёсий тизими, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди. Унда халқ ҳокимияти, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонун устуворлиги, адолат, тенглик ва демократик тамойиллари мавжуд. Бу тамойиллар жамиятда ҳуқуқий онгни ривожлантириш, фуқароларни ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақида хабардор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Конституциямиз босиб ўтган даврга назар ташлайдиган бўлсак, шу қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Бу даврда бозор иқтисодиётига жадал қадам қўйилибгина қолмасдан, ҳар бир фуқарода бозор шароитига кўникма шаклланди, одамларни боқимандалик кайфияти тарк этди. Ҳар бир фуқаро ўзини жамият оғушида, уни қувончу ташвишлари қуршовида ҳис қила бошлади.

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган ҳуқуқий нормаларнинг аввалги Конституциялардан фарқли ўлароқ, олдинги ўринларда, яъни иккинчи бўлимда жойлаштирилганлиги ҳам эътиборга лойиқ.

Конституциянинг 23-моддасида давлат ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиши ва уларга ҳомийлик кўрсатиши, 24-моддасида республика ҳудудида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши кафолатлаб қўйилди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барча соҳалар учун манба бўлиб ҳисобланади. Буни, энг аввало, унда белгилаб берилган йўналишлар бўйича – давлат қурилиши, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва халқаро соҳаларда қабул қилинган кўплаб қонунлар мисолида кўришимиз мумкин. Конституциямиз халқаро ташкилотлар ва экспертлар томонидан тан олингани давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириши ва мустаҳкамлашига ёрдам бермоқда. Бошқача айтганда, Бош Қомусимиз эркин ва фаровон ҳаётимиз гаровидир.

Искандар РАҲМОНОВ,
Фарғона шаҳар адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

1-бет

“Coca-Cola”нинг данғаралик ҳамкори

“Vodiy expo” йилига 500 минг дона колготки ва 2,5 миллион жуфт аёллар, эркаклар, ўсмирлар ва болалар пайпоғини ишлаб чиқаради. Маҳсулот юқори сифатли бўлгани, халқаро меъёрловчи идоралар сертификатини олгани учун юз фоиз экспорт қилинади.

– Ҳозирги кунда станоклар сони 86 тага етди. Ишчилар 35 нафарни ташкил қилади. Мавсумий ишчилар 30-40 нафардан ортиқ, – дейди “Vodiy expo” МЧЖ раҳбари Маърифатхон Умарова.

Корхона раҳбари Маърифатхон Умарова 2022 йилда “Энг намунали иш берувчи аёл” республика танловида учинчи ўринга муносиб кўрилди ва Президент совғаси – “Spark” автомобили билан тақдирланди.

Маърифатхоннинг устози отаси Йўлдошали Умаров эди. Дастлаб 2017 йилда аслида қурувчи-муҳандис бўлган Йўлдошали ака 15 та пайпоқ тўқув дастгоҳини олиб келиб, қизи билан иш бошлаган. Қарасаки, цехда барча ишчилар – аёллар. Маърифатхон ҳам тез фурсатда улар билан тил топишди.

– Бизнинг соҳамизда асосан аёллар бўлгани учун бир-биримизни тушуниб ишлаймиз. Ҳар бир аёлнинг уйида муаммолари бўлади. Мен аёл раҳбар бўлиб уларни тушунаман ва доим қўллайман. Шунинг учун ишлашиб кетдик, – дейди Маърифатхон Умарова.

Иш юришиб, хориждан буюртмалар кўпайди. Шунда улар янги, тўрт қаватли ишлаб чиқариш корхонасини қура бошладилар. Экспорт буюртмасининг эса кети узилмасди.

– 2023 йилда пайпоқларни 2 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт қилдик. Уларни Россия, Қозоғистонга сотдик. 2024 йилда Европага чиқа бошладик, – дейди корхона раҳбари. – Масалан, Германияга. Маҳсулотларимиз юз фоиз



экспортга жўнатилади. Европа бозорида нима кетишини ўрганяпмиз. Ўзимизнинг миллий бренд устида ишлаяпмиз. У билан Европа бозорини забт этмоқчимиз.

Аммо ҳаётда кутилмаган ҳолатлар ҳам рўй бериб туради. Инсон паст ва баландликлар, қийинчилик, ҳатто айриликка ҳам чидайди. Буни Маърифатхон шундай эслайди:



– 2024 йил 26 март куни дадам вафот этди. Шу сабабли бинолар битмай қолди. Лекин келгуси йил ишга туширамиз. Дадам бошлаган ишни давом эттиряпман. Тушкунликка тушган пайтларим ўтиб кетди. Президентимиз оталарча ғамхўрлик қилаётганларини сезиб тураман. Бу йил менга “Фидокор тадбиркор аёл” кўкрак нишони берилди.

Кичик оилавий корхонадан бошланган “Vodiy expo” бугун Осиё ва Европа мамлакатларида танилган корхонага айланди.

Ҳа, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар Маърифат Умарова каби мулк эгаси бўлган, етакчи ва экспортёр аёлларни шакллантирди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Журналистлар уюшмаси кутубхоналарга китоб улашди



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими томонидан журналистлар учун Фарғона шаҳридаги Президент мактабига медиатур ташкил этилди. Мактаб маъмурияти ОАВ вакилларига таълимнинг мукаммаллашган тармоғи ҳақида батафсил маълумот берди. Журналистлар синфхоналар жиҳозидаги креативлик, ўқувчиларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Шу куни вилоят журналистлари махсус ихтисослаштирилган 19 та мактаб раҳбарлари ва вакиллари билан ҳам учрашди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчиси Х.Салимов тадбирда уюшма ташаббуси билан чоп этилган 10 жилддан иборат китоблар тўпламини Президент мактаби ва ихтисослашган мактаблар кутубхоналарига бепул топширди.

– Китобларимизнинг 5 номдагиси Альберт Эйнштейн, Леонардо да Винчи, Стив Жобс, Муҳаммад Али каби дунё даҳолари ҳақида эди. Шунингдек, Ориф Тўхташ, Муҳаббат Йўлдошева каби ижодкорларнинг энг яхши асарлари, эртаклари, шеърлари, ҳикоялари тўпламлари ҳам чоп этилган, – дейди Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи.

Худди шундай китоблар тўпламлари Фарғона вилоят ахборот-ресурс маркази ва вилоятдаги барча шаҳар-туман марказларидаги кутубхоналарга ҳам топширилди.

Айни кунларда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ахборот хизмати вакиллари томонидан ушбу китобларнинг аудио вариантлари тайёрланяпти. Анжуманда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган етти нафар оммавий ахборот воситалари ходимларига аъзолик билети ва кўкрак нишонлари топширилди.

Маълумки, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона билоят бўлими ўтган йиллар давомида вилоят ОАВлари ходимлари, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида 15 дан зиёд китоблар чоп этди. Вилоят ОАВлари раҳбар ва вакиллари иштирок этган анжуманда 6 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” тўпламлари уларга бепул совға қилинди.

Китобларни нашр этишда ҳамкорлик қилган “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва “Фарғона сув таъминоти” АЖ раҳбарларига уюшма вилоят бўлимининг ташаккурномалари ҳам топширилди.

Ўз мухбиримиз.

ЯНГИ ДАНҒАРА ҚАД РОСТЛАМОҚДА





Данғара водий дарвозаси. Довондан тушасизу, хушфеъл, тадбиркор, меҳмондўст данғараликларга рўбарў келасиз.

Сўнгги йилларда туман иқтисодиётида катта ўсиш рўй берди. Бу ерда тўқимачилик корхоналари, тикувчилик фабрикалари, хизмат кўрсатиш мажмуалари кетма-кет очилди. Туман маркази эса гўё қайта қурилмоқда. Муҳташам уй-жойлар пойтахт ёки вилоят марказида эмас, Данғара туманида қуриляпти. Замонавий лойиҳа, замонавий дизайн, замонавий қурилиш материаллари. Янги Ўзбекистоннинг янги оилаларига муносиб яшаш маскани. –Увайсий маҳалласида қурилаётган уй-жой мажмуаси 392 та хонадондан иборат. Лойиҳага кўра, барча оилалар фарзандлари учун болалар ўйингоҳлари ҳамда етарли даражада автомобиль тураргоҳлари ҳам қурилмоқда, – дейди “Vodiy star hause” МЧЖ иш юритувчиси Дилшод Жўраев. – “Нолинчи” қаватда эса мажмуада яшайдиган аёллар, ёшлар учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари қурилиб, иш ўринлари яратилади.

Мажмуа учун газ, сув, оқова каби инфратузилмаларнинг янги тармоқлари торгилди.

– Турар жойда лифтлар ўрнатилган бўлиб, у электр қувватидан узилиб қолган тақдирда ҳам ишлашни давом эттираверади. Чунки лифтлар кабеллари қуёш панелларига уланган. Яна бир қулайлиги шундаки, мажмуа хонадонларига сантехника, электр тизими хизматини кўрсатадиган корхона очилади ва у орқали туну кун аҳоли буюртмасини бажариш йўлга қўйилади, – дейди Дилшод Жўраев.

“Vodiy star hause” масъулияти чекланган жамияти қурилиш ишларини келаси йил якунлаши режалаштирилган.

Аслида Данғарада рўй бераётган ўзгаришлар давлат раҳбарининг ташаббуси ва топшириқлари туфайлидир. Тумандаги эски, ўтган асрнинг ўрталарида қурилган ва яроқлилик муддатини ўтаб бўлган бинолар бирма-бир бузилиб, улар ўрнида замонавий қулайликларга эга турар жойларни бунёд этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Шундай мажмуалардан биринчисини “Gefest eagle” масъулияти чекланган жамияти бунёд этяпти.

– Икки қаватли уйлар ўрнида реновация дастури асосида 7-9 қаватли турар жой биноларини қуряпмиз. Уларда барча қулайлик мавжуд бўлади, – дейди “Gefest eagle” МЧЖ иш юритувчиси Саидкамол Валиев. – Болалар майдончалари, газ, сув, электр таъминоти барқарорлиги таъминланади. Кўп қаватли уйларда 56 та хонадон бўлади. Қурувчиларимиз шундай бинолардан 7 тасини барпо этишади.

Ҳа, реновация дастурининг биринчи лойиҳасидаёқ Данғара туманида яна 392 та уй янгитдан бунёд бўлади. Бу ҳали ҳаммаси эмас.

Водий дарвозасида Янги Данғара қад ростлаяпти.

Ўз мухбиримиз.





НЕТАНЬЯХУ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИБСГА ОЛИНАДИМИ?

(Бошланиши 1-бетда).

Халқаро жиноий суднинг қарори 2023 йил 8 октябрдан 2024 йил 20 майгача содир этилган “инсониятга қарши жиноятлар ва уруш жиноятлари” туфайли қабул қилинган. Хўш, Нетаньяху Ўзбекистонга келса, ҳибсга олинадими?

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги манбасига кўра, мамлакатимизда Нетаньяхуни ҳибсга ололмайди.

“Ўзбекистон Республикаси Халқаро жиноий суднинг қарорларини бажаришни ўз зиммасига олмаган. Бу тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни ратификация қилмаган. Шундан келиб чиқсак, Халқаро жиноий суд томонидан берилган қамаш, ҳибсга олиш бўйича ордерларни бажариш бўйича Ўзбекистонда ҳеч қандай мажбурият йўқ”, дейди Ташқи ишлар вазирлиги вакили.

Исроил бош вазири Нетаньяху ва собиқ мудофаа вазири Йоав Голант – Халқаро жиноят суди томонидан қидирувга берилди, у қамоққа олиниши керак. Бу – жуда катта маънавий, ҳуқуқий ва тарихий марра.

Исроил – мана 78 йилдирки, Фаластин ерларини босиб олиш билан фаластинликларни сиқиб чиқариш, қувғин қилиш, геноцид, камситиш билан шуғулланиб келади. Нетаньяху шу йили АҚШ Конгрессида чиқиш қилганида, уни конгрессменлар 50 марта чапак чалиб олқишлашди. Исроилнинг қилган жиноятлари, параллел равишда АҚШнинг зиммасига ҳам тушади. Чунки, Американинг ҳомийлиги ва ҳимоячилигисиз Исроил бу жиноятларни қила олмас эди.

Энди нима бўлади? Нетаньяху қамаладими? Энди, Исроил ва АҚШ Халқаро жиноий суди ва шу каби халқаро институтларни бузиш, демонтаж қилиш билан шуғулланади.

Бир вақтлар инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ, демократия ҳақида гапирган АҚШ Исроил сабабли шу қадриятлар ва институтлардан нафақат воз кечади, балки демонтаж ҳам қила бошлайди. Натижада, АҚШнинг инсон ҳуқуқлари ва демократия борасидаги сиёсатида икки стандартлилик янада кучаяди. Чунки, АҚШнинг Исроилни тартибга солиш нияти йўқ ва бу яқин орада бўлмайди ҳам.

Камолиддин РАББИМОВ,
сиёсатшунос.

КИШДА ҚУЛУПНАЙ?



(Бошланиши 1-бетда).

Данғара туманидаги аҳоли тадбиркор. Савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатишнинг устаси улар. "Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига янги кўчиб келган Элбек Қосимовлар оиласи қўни-қўшнини қулупнайчиликка қизиқтириб қўйди. Беш сотих ҳовлининг икки сотихига уй-жой қурилган. Яна шунча майдонни қулупнай учун иссиқхонага ажратишди.

– Ҳоким ёрдамчиси ёрдамида имтиёзли кредит олиб, парник қилдик. Унинг қурилишига 120 миллион сўм кетди, – дейди Элбек Қосимов. – Қулупнайни 28 сентябрь куни экканмиз. Мана ғўралади, 5-10 кунда қизаради, пишган ҳосилни халқимиз дастурхонига етказиб берамиз.

Қулупнай нозик экин. Суғориш, ўғитлаш, буташ... бу каби агротехник жараёнларнинг ўз вақти бор. Иссиқхонада гидропоника усулида Кореянинг "солихиян" навли кўчатидан 2600 туп экилган бўлса, Элбек уларни парваришлаш учун интернет орқали устоз топди.

– Мутахассислигим қурувчи, инженерман. Ҳозир қурилиш соҳасида ишлайман. Бу соҳа билан ишдан бўш пайтимда қўшимча даромад олиш учун шуғулланяпман. Агрономлар билан кўчатни экишдан бошлаб, озуқа бериш, парваришлашгача маслаҳатлашиб тураман, – дейди у.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар бир туп кўчат ўртача 350-800 граммгача ҳосил беради. Демак, икки сотихдан камида 1 тонна қулупнай олса бўлади.

"Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғинида шу каби янгиликлар оз эмас.

– 30 та микролойиҳа ташкил этдик. 100 дан ортиқ иш ўрни яратдик. Лойиҳаларнинг ичида кўпчилиги кичик ишлаб чиқариш бўлиб, улар 20 тани ташкил қилади. Ўрта ишлаб чиқариш корхоналаримиз ҳам бор. Масалан, "Ҳавасхон" оилавий корхонаси 50 нафардан зиёд хотин-қизларни иш билан таъминлади, – дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Дилшод Жўраев. – Гидропоника усулида қулупнай етиштиришни йўлга қўйдик. Маҳалламизда томорқадан самарали фойдаланиш мақсадида қўшни хонадонларда ҳам қулупнайчиликни ташкил этамиз.

Дарвоқе, Элбек Қосимов хонадони яна бир ҳафта-ўн кундан сўнг, яъни қишнинг дастлабки кунлариданоқ қулупнай сотишни бошлайди.

Сарвар ОБИД.

"Ташаббусли бюджет":

Автомобиль йўлларини иқтисодиётнинг қон томирлари, деб атайдилар. Дарҳақиқат, умумфойдаланиш йўлларининг мавжудлиги ва сифати иқтисодий барқарорлик омилларидан биридир. Фарғона вилоятида жами 19977 километр автомобиль йўллари бўлиб, шундан умумийфойдаланишдаги қисми 4057 километрни ташкил этади. Уларни жорий таъмирлаш, янги йўллар қуриш учун шу йилнинг ўзида вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси 46,3 миллиард сўмлик 102 та йўл техникаси сотиб олди.



ИЧКИ ЙЎЛЛАР АСФАЛЬТ ҚИЛИНМОҚДА



Умумфойдаланишдаги йўллар ҳар ҳолда текис, деса бўлади. Аммо ички йўллар-чи? "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари асосида уларнинг деярли ярми асфальт қилинди ёки шағал тўкилди. Мана энди "Ташаббусли бюджет" дастури амал қиляпти. 2024 йилда биргина вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси 147,9 миллиард сўм маблағ эвазига 363 км йўлларни таъмирлади. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда маҳаллалардаги 602 км узунликдаги тупроқ йўлларга шағал ётқизилди.

Қўштепа тумани йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси ишчи-мутахассислари шу кунларда Янгиариқ маҳалласидаги ички йўлларда асфальтлаштириш ишларини олиб боришмоқда. Маҳалла "Ташаббусли бюджет"да иштирок этиб, 3178 метр йўлни асфальтлантириш учун 1 миллиард 360 миллион сўм ютиб олди. Маҳаллада 9 та номдаги кўча бўлиб, бир қисми "Обод маҳалла" дастури асосида асфальтланганди. Аммо узоқ йиллардан буён асфальт ётқизилмаган кўчалар ҳам бор эди.

– Учта фарзандим бор. Мактаб бир ярим километр узоқликда, – дейди Қудрат Аҳмедов. – Болалар мактабга лой кечиб боришарди. 30 йил деганда асфальт бўляпти. Маҳалламиздаги аҳоли, ҳаммамиз хурсандмиз.

Асфальт қалинлиги, унинг остидаги зичлик, сифати жамоатчилик назоратида. Туман йўлсозлари лойиҳада белгиланган барча кўрсаткичларга амал қилишмоқда.

– 250 км йўл бу йил юз фоиз таъмирдан чиқарилди. "Ташаббусли бюджет" ҳисобидан корхонамиз шаффоф тендерда қатнашиб, иккита маҳалла фуқаролар йиғини ғолиб деб топилди, – дейди Қўштепа тумани йўллардан фойдаланиш муассасаси бош муҳандиси Тоҳиржон Мадраҳимов. – Янгиариқ маҳалласидаги 3,2 км йўлга шағал ётқизиш ишлари якунланиб, асфальтлаш бошлаб юборилди.

Ҳа, қишлоқ ва маҳаллаларда навбати билан тупроқ кўчалар, ўйдим-чуқур йўлларга асфальт ётқизиляпти. Аммо ҳали йўлсозларнинг таъкидлашича, вилоятдаги автомобиль йўлларининг 4051 километр ёки 20 фоизи ва яна 237 та кўприк таъмирталаб. Бу эса автомобиль йўллари учун қўшимча маблағ ажратилишини талаб этади.

Ўз мухбиримиз.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

КУТУБХОНА – МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЎЧОҒИ

Фарғона политехника институти ахборот-ресурс маркази ўқитувчи ва талабаларнинг энг севимли маскани ҳисобланади.

215625 тадан ортиқ китобни жамлаган марказда адабиётларни қайта ишлаш ва комплектлаштириш, илмий-услубий ва ахборот маълумот (даврий нашрлар), хорижий ахборот-кутубхона ресурслари билан ишлаш, ахборот-кутубхона ресурслари билан хизмат кўрсатиш, электрон ахборот-ресурслар бўлимлари томонидан кунига 1000 нафардан зиёд талабаларга хизмат кўрсатилади. Улар мутахассислик, хорижий тилларни ўрганишга доир адабиётлар билан бир қаторда, бадиий асарларни ҳам олиб ўқийдилар.

Ватан тинчлиги, дўстлик, меҳр-оқибат, муҳаббат, садоқат каби туйғулар илгари сурилган асарлар китобсеварларнинг доимий ҳамроҳи. Талабалар Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", Тоҳир Маликнинг "Шайтанат", Ўткир Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси", "Тушда кечган умрлар", Одил Ёқубовнинг "Одам бўлиш қийин" каби китобларини кўп сўрайдилар. Демакки, китоб ўқувчини нафақат яхши мутахассис, балки эзгу ишларга қодир, етук шахс сифатида шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

"Меҳробдан чаён" романини ўқиган борки, Раънонинг одоб-ахлоқига, содда ва самимий феъл-атворига ошно бўлади. Бу яхши хислатлар ортида илмлилик мужассам. Асарда воқеликлар билан бир қаторда, китобга меҳр бериш, маърифат ғояларига кенг урғу берилади. Китоб мутолаасидан таъсирланган кишининг дунёқараши бой, маънавияти янада юксак бўлиши кўрсатилади. Ота-она фарзандларини болалигиданоқ илмга, китобга меҳрли қилиб ўстирса, улар улғайгандан кейин ҳам бу одатини канда қилмайди. Аслида одоб-ахлоқимиз, тарбия ва билимга, китоб ўқишимизга боғлиқдир. Китоб ўқимаган одам ҳаётни чуқур билмайди, тараққиётдан ҳам орқада қолади.



Қадимданоқ кутубхоналар жамиятнинг ажралмас қисми сифатида маънавият ва маърифат ўчоғи саналган. Шундай экан, зиё масканимиз ҳали кўп йиллар ёш авлодни илм ва маърифат нуридан баҳраманд этади.

Шоира АРТИКОВА,
ахборот-ресурс маркази директори ўринбосари.
Рухсора ТЎХТАСИНОВА,
адабиётларни қайта ишлаш ва комплектлаштириш бўлими бошлиғи.

СУДЛАРГА

электрон мурожаат қилса бўлади

Судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар фуқаролар, тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишини эркинлаштириш, умуман олганда, одил судловга эришиш самарадорлигини ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини бермоқда.

Бу борада амалга оширилган ислоҳотларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини мисол қилиб келтириш мумкин.

Муқаддам судларга даъво ариза (ариза) фуқаролар томонидан судларга шахсан ёки почта орқали юборилган бўлса, ҳозирда мазкур имкониятлар янада кенгайтирилиб, даъво ариза (ариза)ларни электрон дастур орқали юбориш, судга тўланадиган давлат божи ва почта харажатларини billing.sud.uz сайти орқали тўлаш имкони ҳам пайдо бўлди.

Ушбу қарорнинг мақсади эса халқимизнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш ва судларга мурожаат қилишда фуқароларга қулай шарт-шароит яратишдан иборат эканлиги ҳеч кимга сир эмас.



Жумладан, фуқаролар мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни судга электрон ҳужжат тарзида юбориши учун my.sud.uz Ўзбекистон Республикаси Олий судининг интерактив хизматлари портали ёки cabinet.sud.uz сайти орқали "Адолат" ахборот тизимлари комплексидан рўйхатдан ўтган ҳолда даъво ариза (ариза)ни юбориш имкониятлари яратилди.

Бундан ташқари, судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинуви янада кенгайтирилиб, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобиль қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятлари, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятлари оширилди.

Даъво ариза (ариза)ларни онлайн юбориш, судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг одил судга бўлган ишончини ошириш билан бир қаторда, сансалорликларнинг олдини олиб, ортиқча сарф-харажатлар ва фуқароларнинг қимматли вақтини тежаш учун хизмат қилади.

Х.ИСАМИДИНОВ,
Фарғона вилоят судининг архив мудири.

Ана холос...

Келин эрининг аммасини чув туширди



Тамара Маҳмудова (исм-фамилиялар ўзгартирилди) Учкўприк туманида истиқомат қилади. Баҳор кунларининг бирида эрининг аммаси хонадонларига меҳмон бўлиб келди. Ўзаро суҳбат Умра масаласига бориб тақалади. Шунда келин зиёратга одам юборадиган таниши борлигини айтади. Аслида у ёлғон гапирган эди. Шу тариқа фирибгарлик йўли билан 20.320.000 сўмни қўлга киритади.

Жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди қарорига асосан, қарздор Тамара Маҳмудовадан давлат фойдасига 17.000.000 сўм жиноий жарима ундириш белгиланди. Бу тўғрисидаги ижро ҳужжати бюронинг Учкўприк туман бўлими иш юритувига келиб тушди. Бироқ бир неча бор огоҳлантирилишига қарамай қарздор жаримани ихтиёрий тўлашдан бўйин товлаб келди.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 44-моддаси ва "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддасига асосан тайинланган жарима тариқасидаги жиноий жазони жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисида жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судига тақдимнома киритилди.

Тақдимнома суд томонидан қаноатлантирилиб, белгиланган жазо ўрнига уч ой-ю, уч кун муддатга озодликдан чеклаш жазоси тайинланди.

Равшанжон МАТУСМОНОВ,
Мажбурий ижро бюросининг Учкўприк туман бўлими давлат ижрочиси.

БОЛА ПУЛИ ОЛИШ МУМКИН, БУНИНГ УЧУН...

Бола пулини олиш масаласида кўп фуқаролар эътироз билдиришади. Чунки уларнинг мурожаати маълум қонунчилик асосларига тўғри келмайди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом"га кўра, расмий даромад манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида иш излаб камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш органларига мурожаат қилмаган ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш органларида ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган меҳнатга лаёқатли оила аъзоси мавжуд бўлганда, оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш рад этилади.

Ушбу қоида кимларга нисбатан қўлланилмаслиги ҳам шу бандда кўрсатилган.

Рад қилишнинг бу асосидан қонуний йўл билан чиқиб кетиш мумкин. Бунинг учун ҳудуддаги солиқ инспекциясига бориб, ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтиш ва тегишли гувоҳнома олиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори иловасида ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати мавжуд. Масалан, уй хўжалигини юритиш ва уй ишларини бажариш, жумладан, турар жойларни тозалаш, овқат пишириш бўйича уй хўжаликларига хизмат кўрсатиш, жисмоний шахсларга мураккаб бўлмаган умумий қурилиш, қурилиш-таъмирлаш ишлари (бетон қуйиш, бўёқчилик, сувоқчилик ишлари, ғишт ва кафель териш, перфорация, дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа умумий қурилиш ишлари) каби 101 та хизматлар ва фаолият турлари келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом"нинг 16-бандига асосан, ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан меҳнат стажи ҳисобланиши учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорда ижтимоий солиқ тўланади.

Шунга кўра, ўзини ўзи банд қилган шахслар ўзига пенсия ҳисобланиши ва иш стажига эга бўлиши учун Пенсия жамғармасига ихтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлаши мумкин.

Кодекснинг 369-моддасига мувофиқ, қонунчиликда белгиланадиган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жами даромад таркибига киритилмайди.

Гавҳаршод АЛИЕВА,
Тошлоқ тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходими.

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси чегара ветеринария пунктлари томонидан ветеринария назорати остидаги юкларнинг экспортида расмийлаштириладиган Ф5а 0018953, 0018954, 0018955 сонли 3 дона ветеринария сертификатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сертификат ҳақида бирор-бир маълумотга эга бўлганлар Фарғона шаҳар, "Мустақиллик" МФЙ, Ёруғлик кўчаси, 19-уй (телефон: 99 018-20-15)га мурожаат қилишлари сўралади.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Fergan'skaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Марғилон шаҳар, Туркистон кўчаси, 236 -"б" уй. Буюртма: 726.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Асилбек Қудратов.

Газета жума куни чиқади. Адади: 1575 нусха. ★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Муаттар Маҳмудова.

Босишга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.00.

ISSN: 2010-8370